ИНКОРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ-СЕМАНТИК ТУРЛАРИ ХУСУСИДА

В.А.Воситов

Мақолада инкорнинг турли кўринишлари ҳақида гап боради. Инкор функционал-семантик жиҳатдан умумий, хусусий, комбинациялашган ва комбинациялашмаган, модус ҳамда диктумга асосланган турларга ажратилади.

Калит сўзлар: *умумий инкор, хусусий инкор, комбинациялашмаган ва комбинациялашган инкор.*

В статье речь идет о разных видах и формах отрицания в английском языке. С функциально-семантической точки зрения отрицание подразделяется на общее, специальное, комбинированное и некомбинированное, основанное на модусе и диктуме.

Ключевые слова: *общее отрицание, частное отрицание, некомбинированное отрицание, комбинированное отрицание.*

The article discusses about the different types of negation. From the functional-semantic point of view and on the basis of the notions of modus and dictum negation is divided into general, special, combined and uncombined types.

Key words: *general negation, partial negation, a combined and uncombined negation.*

Гап таркибида ўзаро оппозицияга киришувчи тўлиқ (умумий) ҳамда қисман (хусусий) инкор талаб даражасида ўз аксини топади. Кесим орқали ифодаланган инкорнинг "**умумий инкор**", гапнинг бошқа бўлаклари олдида келган инкорнинг эса "**хусусий инкор**" эканлигини назарда тутиш керак. Тўлиқ инкор гапнинг бутун предикатив мазмунига тааллуқли бўлиб, яхлит ҳукм доирасида содир бўлади. Гап ядросини ташкил этган эга ва кесим муносабати тўлиқ инкорни қамраб олади. Зеро, у ҳукмни, аниқроғи, инкор ҳукмни шакллантиради:

Ўзбек тилида: *Бола ухламади. Гўдак йиғламади. Чол кулмади.*

Инглиз тилида: *I didn't study. She won't come. They haven't worked.*

Тўлиқ инкор эга билан боғланувчи ўтимсиз феъл кесимларда яққол кўзга ташланади. Гарчи ўтимли феъл кесимларда ҳам бу ҳолат кузатилса-да, баъзи ҳолларда қисман инкор ифодасига ўтиб кетиши ҳам кўзга ташланади: *Аброр бу китобни ўқимади* (Пресуппозиция: *Аброрда бир неча китоб бор. У бу китобни эмас, бошқасини ўқиди*). Қисман инкор алоҳида тушунчалар билан боғлиқ бўлиб, улар ўз ифодасини синтактик гап бўлакларида, яъни аниқловчи, тўлдирувчи, ҳолда топади. Қисман инкор алоҳида гап бўлагига даҳлдор ҳолда гапда намоён бўлади:

Ўзбек тилида: *Журъати йўқ киши ҳақиқатни айтишдан чўчийди. Бераҳм киши қўрс бўлади. Ватанидан ажраган киши ватангадодир* (суҳбатдан).

Инглиз тилида: *She said nothing about Jack. They will go nowhere.*

Гап таркибида инкор ифодаси функционал жиҳатдан комбинациялашмаган ва комбинациялашган кўриниш касб этади. Комбинациялашмаган инкор ифодаси гап таркибида тўлиқ инкорнинг алоҳида келишини, шунингдек, қисман инкорнинг алоҳида келишини тақозо этади:

Акбар дам олмади – Akbar did not have a rest - тўлиқ инкор.

Акбар тинмай ишлади – Akbar worked without a rest - қисман инкор.

Комбинациялашган инкорда эса тушунча инкор билан ҳукм инкорнинг бир гап доирасида келиши кузатилади:

Ўзбек тилида: *Директор ҳеч кимни ҳеч нарса тўғрисида огоҳлантирмади.*

Инглиз тилида эса инкорнинг комбинациялашган тури гап маъносининг фақат тасдиқ бўлишини тақозо этади:

Инглиз тилида: *I am not going there without you → I am going with you.*

Интердепенденция ҳодисасига мувофиқ гап бўлакларининг ўзаро таъсири остида кесим ҳам инкор маъносини олади. Албатта, маъно талабига кўра бу вазият инкор тушунчасини ифодаловчи гап бўлакларининг кучли позициясидан далолат беради. Барча сатҳларининг ўзаро алоқаси, лексик тўлатмаси ва оҳанги, тасвирлаётган борлиққа муносабати ўрганиладиган гап нутқ бирлиги (высказывание)ни ташкил этади. Маъно умумийлигига кўра, муайян грамматик ва лексик боғланиш воситалари мавжудлигига кўра мужассамлашувчи гаплар боғлами яхлит мураккаб жумлани ташкил

этади. Яхлит мураккаб жумла доирасида соф ва модал инкор, модус ва диктум инкори кузатилади.

Диктумга мансуб ва фактнинг ўзини инкор этувчи инкор:

Ўзбек тилида: *Комил бу ерда олдин ишлаган эмас.*

Инглиз тилида: *The people here don't speak German.*

Модусга оид инкор деганда сўзловчи туйғуси ҳамда билимларига қаратилган (*Я не знаю; Я не хочу что бы; I do not know; I do not think*) ёхуд суҳбатдош сўзларига дахлдор (норозилигини билдиради) ёки унинг ҳаракатларига алоқадор (рад этиш, тақиқни ифода этади) инкор тушунилади.

Инкор модусга тааллуқли бўлиши мумкин: *Мен унинг кетганлигини билмайман → Я не знаю, что он уехал → I do not know he has left* ёки диктумга: *Мен уни кетмаганлигини биламан → Я знаю, что он не уехал → I know he has not left.*

Ушбу жумлаларнинг мазмуни турлича. Бироқ модус нореаллик моделлигини (нофактитивлик) қўшувчи *думать, хотеть, советовать* каби ҳукм ёки хоҳишни ифодаловчи феъллар орқали ифодаланса, у ҳолда инкор гап мазмунига таъсир қилмаган ҳолда позициясини ўзгартириши мумкин: *Я вам не советую туда идти – Я вам советую не идти туда.* Бу ўринда фарқ стилистик жиҳатдан бўлиб, модусдаги инкор анча юмшаган хусусият касб этади.

Гаплар ёки яхлит мураккаб жумлалар мажмуаси текстни ёки якун топган нутқ фаолиятининг семантик ва коммуникатив натижаси ҳисобланмиш дискурсни ташкил этади.

Синтактик сатҳда намоён бўлувчи гап таркибида ифодаланувчи инкор категориал маъноси ифода бирликлари қуйи сатҳ бирликларидан ташкил топиши мумкин. Ушбу бирликларнинг лингвистик қиймати ва сатҳ мақомини белгилаш типологик қиёс учун жуда муҳим, қолаверса, катта самара беради.

Адабиётлар:

1. Булыгина Т.В. Грамматические оппозиции // Исследования по общей теории грамматики. - М.: Наука 1968.- С. 175-232.

2. Кантино Ж.П. Сигнификативные оппозиции // Принципы типологического анализа языков различного строя. – М., 1972.- С.61-94.

3. Сухарева А.А. Выражение отрицания в современном русском языке: Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Т., 1949. – 17 с.

4. Трофимов В.А. К вопросу о выражении отрицания в современном русском литературном языке // Уч. зап. ЛГУ.- № 156, вып. 15. - Л., 1952. - С. 53-59.

5. Фужерон И. Лексическое выражение отрицания в русском языке (не- и без-/бес- в словообразовании) // Изв. АН. Сер. Лит. и яз. – 2002.- Т. 61, № 4. - С. 52-55.

Андижон давлат университети,
2016 йил 18 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. С.Раҳимов)